

ЎТМИШГА НАЗАР

МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Мургазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакеева Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Ҳамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчеҳра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори, Тошкент
кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети доценти*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный университет,
Грузия*

Халикова Раҳбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Саипова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Джоробекова Айнур Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси*

Толипов Файзулла Саидович

*Тошкент давлат техника университети доценти,
тарих фанлари номзоди*

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

СЎЗ БОШИ	5
1.Кобзева О. П. ИПАК ЙЎЛИНИНГ ХИТОЙ ТАРИХШУНОСЛИГИДАГИ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ.....	6
2.Кебадзе М., Лекидзе Т. XX ASARNING 30-YILLARIDA KAXETIDAGI REPRESSIYALAR ZEMO ALVANI VA KVEMO ALVANI QISHLOQLARI MISOLIDA.....	15
3.Холиқова Р.Э. БУХОРО ХОНЛИГИДАГИ РАБОТ ВА САРДОБАЛАР ҚУРИЛИШИ ТАРИХИДАН.....	19
4.Муҳитдинова Ф.А. СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ: ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ.....	27
5.Ҳайдаров М.М. УЧ РЕСПУБЛИКА КОНСТИТУЦИЯЛАРИДА (ТУРКИСТОН АССР, БХСР, ХХСР) СОВЕТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИНГ ҚОНУНИЙЛАШТИРИЛИШИ ВА МОҲИЯТИ.....	43
6.Абраров С.А. ҲОЗИРГИ ЗАМОННИНГ ГЛОБАЛ МУАММОЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН.....	51
7.Рахмонқулова З. XIХ- XX АСР БОШЛАРИДА ЎРТА ОСИЁ ХОНЛИКЛАРИ ВА УСМОНИЙЛАР ДАВЛАТИ ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАР ТАРИХИ ТАРИХШУНОСЛИГИ.....	59
8.Абдуллаев Ў.Ш. ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРДА ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ЎРНИ.....	67
9.Абдурасулова Д.Т. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЖИЗЗАХ ШАҲАР САНОАТИ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ.....	72
10.Абдурахманова Ж.Н. ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИНИНГ ГРЕК ХАЛҚИ ҲАЁТИГА ТАЪСИРИ (ЎЗБЕКИСТОНГА КЎЧИРИЛГАН ГРЕКЛАР МИСОЛИДА).....	79
11.Азаматова Г.Б. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ БИЛАН МИГРАЦИЯ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИГИ.....	85

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT


- 12. Alimdjanov B.A., Jakparov J.I.**
"SART" ATAMASINING KELIB CHIQISHI HAQIDA V.V. BARTOL'D,
S.LAPIN ORASIDA MUNOZARA.....91
- 13. Амонова Ф.С.**
XIX АСР ОХИРИ ВА XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА
ТАШКИЛ ТОПГАН РУС САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ҲАҚИДА.....99
- 14. Ахмедов Т.О.**
"ЗАРАФШОН МУЗОФОТИНИ БОШҚАРИШ БЎЙИЧА МУВАҚҚАТ
ҚОИДАЛАР"НИНГ ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА
ЎРГАНИЛИШИГА ДОИР.....110
- 15. Аҳмедова Р.**
ЎЗБЕКИСТОНДА ДАСТЛАБКИ ШИФО МАСКАНЛАРИНИНГ
ВУЖУДГА КЕЛИШИ (ФАРҒОНА ВОДИЙСИ МИСОЛИДА).....117
- 16. Бабаджанова Н.А.**
ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИ МИЛЛИЙ ТАРКИБИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР
(1946-1991 йиллар).....124
- 17. Бобожонов И.У.**
МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИНГ
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ.....137
- 18. Бобожонов Ш.**
ЗИЁРАТ ТУРИЗМИДА САЙФИДДИН БОҲАРЗИЙ
ҚАДАМЖОСИНИНГ ЎРНИ.....145
- 19. Бабабеков А.Д.**
XX АСР БОШЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ТОҒ ВА ТОҒОЛДИ
ҲУДУДЛАРИ АҲОЛИСИ ЭТНОИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИДА
САВДО-СОТИҚНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ
(САНГЗОР-ЗОМИН МИНТАҚАСИ МИСОЛИДА).....153
- 20. Базарова М. М.**
ЎРТА АСРЛАР ТУРОН ЗАМИН ОЛИМЛАРИНИНГ ЖАҲОН
ИЛМ-ФАНИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ.....165
- 21. Bohodirov I.**
TURKISTON BOSHQARUV TIZIMIDAGI NOMUTANOSIBLIK
VA XALQ KOMISSARLARI SOVETIDAGI ICHKI ZIDDIYATLARNING
O'LKA HAYOTIGA TA'SIRI (1917-1924 YILLAR).....171
- 22. Бегамова Н. Х.**
МУҒУЛ ДАВЛАТИНИНГ ИЖТИМОЙ ТУЗИЛИШИ ВА ҲУДУДИ.....183

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна,
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети,
nodiraxon.b@mail.ru

ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИ МИЛЛИЙ ТАРКИБИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР (1946-1991 ЙИЛЛАР)

For citation: Babadjanova Nodira Abdullayevna. CHANGES IN THE NATIONAL COMPOSITION OF THE POPULATION OF UZBEKISTAN (1946-1991 years). Look to the past. 2020, SI, pp. 124-136

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-16>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада муаллиф бугунга қадар кам ўрганилган манбалар, архив ҳужжатлари ва статистик маълумотлар асосида совет сиёсатининг Ўзбекистон аҳолиси миллий таркиби ўзгаришига таъсирини ёритиб берган. Мақолада келтирилган маълумотлар шу пайтга қадар халқаро доирада нашр этилган ишларга қўшимча материал бўлиб хизмат қилади.

Калит сўзлар: кадрлар сиёсати, меҳнат ресурслари, кўпмиллатлилиқ, уруш, эвакуация, депортация, махсус кўчирилганлар, саноатлаштириш, демографик сиёсат, миллий таркиб, менталитет.

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна,
кандидат исторических наук, доцент
Узбекский государственный
университет мировых языков,
nodiraxon.b@mail.ru

ИЗМЕНЕНИЯ В НАЦИОНАЛЬНОМ СОСТАВЕ НАСЕЛЕНИЯ УЗБЕКИСТАНА (1946-1991 ГОДЫ)

АННОТАЦИЯ

В данной статье автор освещает влияние советской политики на изменение национального состава населения Узбекистана на основе малоизученных

источников, архивных материалов и статистических данных. Приведенные в данной статье сведения могут послужить дополнительным материалом к ранее опубликованным в международных научных кругах работам.

Ключевые слова: кадровая политика, трудовой потенциал, многонациональность, война, эвакуация, депортация, спецпереселенцы, промышленность, демографическая политика, национальный состав, менталитет.

Babadjanova Nodira Abdullayevna,
Doctor of Philosophy.

Uzbek State World Languages University, nodiraxon.b@mail.ru

CHANGES IN THE NATIONAL COMPOSITION OF THE POPULATION OF UZBEKISTAN (1946-1991 YEARS)

ABSTRACT

In this article, the authors highlight the influence of Soviet policy on changing the national composition of the population of Uzbekistan on the basis of poorly studied sources, archival materials and statistical data. The information given in this article can serve as additional material to previously published works in international scientific circles.

Index Terms: personnel policy, labour potential, multinationality, war, evacuation, deportation, special settlers, industry, population policy, national composition, mentality.

Долзарблиги. Аҳоли миллий таркибини ўрганиш, уни илмий таҳлил қилиш бугунги кунда долзарб вазифалардан биридир. Бу мавзуни тадқиқ этиш, илмий хулосалар чиқариш ҳаётда, амалдаги миллатлараро муносабатларни ижобий ҳал этишга ёрдам беради.

Тадқиқ қилинаётган даврда Ўзбекистондаги аҳоли миллий таркиби шаклланишига тарихий жараёнларнинг таъсирини изчил тарзда таҳлил этиш ҳозирги вақтда амалга оширилаётган миллий сиёсатни такомиллаштиришга, республикада яшаб турган барча миллат ва элатларни бирлаштириш, қадимги ва шу билан бирга навқирон давлатимизда фуқаролар ҳамжиҳатлиги, осойишталиги ва барқарорлигини мустақамлаш вазифасини ҳал этиш юзасидан асосли таклифлар ишлаб чиқишга имкон беради. Бу эса, танланган мавзунинг нафақат илмий, шу билан бирга, амалий ва сиёсий аҳамияти ҳам мавжудлигини кўрсатади.

2.Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган илмий методлар - тарихийлик, қиёсий-тарихийтаҳлил, мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган.

Мавзу юзасидан шу вақтга қадар олиб борилган илмий тадқиқотлар ва адабиётларни, уларнинг мазмун ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ:

Биринчи гуруҳадабиётларига Пжаҳон уруши йилларидан то 1991 йилга қадар олиб борилган тадқиқот ва чоп этилган адабиётлар киради.

Иккинчи гуруҳадабиётларини - мустақиллик йилларида олиб борилган тадқиқотлар, чоп этилган адабиёт ва рисоалар ташкил этади.

Совет тарихшунослигида умуман миллий масалага оид кўплаб тадқиқот,

монография ва рисоалар нашр қилинганлигини алоҳида таъкидлаш лозим[1]. Табиийки ушбу олим ва тадқиқотчилар мавзуга коммунистик ғоя руҳида, бир ёқлама ёндашиб, совет давлати миллий сиёсатини ижобий деб баҳолаган ҳолда, унинг "ютуқлар"ини кўрсатиб, тез орада барча миллат ва элатларни сунъий равишда қоришиб, янги жамоа бўлмиш - совет халқи юзага келиши таъкидланган.

Аҳолишуносликка бағишланган адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, дастлаб аҳолишунослик муаммоларини ўрганиш маркази Тошкент давлат университетининг география факультетида шаклланган. Ўзбекистон аҳолишунослиги мавзусида биринчи тадқиқотни ТошДУ иқтисодий география кафедрасининг мудири Н.В.Смирнов олиб борган. Шундан сўнг, Республика географ ва иқтисодчи олимлари томонидан аҳолишунослик муаммолари кенг тарзда ўрганила бошланди.

Демографик тарихни ўрганишга бўлган эътибор XX аср 50-йилларининг иккинчи ярмидан кучая бошлаган. Шу даврдан бошлаб аҳолишунослик масалаларига доир тадқиқотлар ривожланиб, фақатгина 1965-1971 йиллар мобайнида турли миқёсдаги 12 та илмий конференциялар ўтказилган[2].

1960-1970 йилларда дунё аҳолиси, Ўзбекистон аҳолисининг таркиби, республика янги шаҳарларида аҳолининг ўсиши ва уларнинг минтақавий жойлашуви муаммоларига бағишланган бир қатор илмий мақола ва адабиётлар нашр этилди[3]. Ушбу адабиётлар илмий-оммабоп тарзда, маълумотнома шаклида ёзилган эди. Шу туфайли, уларни илмий ва мафкуравий жиҳатдан таҳлил қила билиш ҳам демографик тарих фанининг долзарб вазифалари сирасига киради. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон аҳолишунослигини ривожлантиришда иқтисодчи ва географ олимларнинг муносиб ҳиссаси бўлган.

Мустақиллик йилларида чоп этилган нашрларда Ўзбекистон аҳолиси миллий таркиби шаклланиши ва совет тузуми томонидан олиб борилган миллий сиёсат тарихига янгича нуқтаи назардан ёндашишга ҳаракат қилинган[4]. Лекин, танланган мавзу бўйича алоҳида илмий тадқиқот иши мавжуд эмас. Юқорида тилга олинган тадқиқот ишларида қўйилган масалаларнинг баъзи томонлари ҳақида фикр-мулоҳазалар келтирилган[5]. Мазкур адабиётларда Ўзбекистондаги статистик маълумотлар асосида демографик жараёнларни республикада мавжуд ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазиятни миллатлараро муносабатлар масаласи билан боғлаган ҳолда илмий асосда ўрганилган. Кейинги йилларда нашр қилинган Ўзбекистон тарихига оид фундаментал тадқиқотлар[6] урушдан кейинги йилларда аҳоли миллий таркибидаги ўзгаришлар, совет ҳукуматининг республикада амалга оширган миллий сиёсати масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганидан дарак беради.

3. Тадқиқот натижалари:

Уруш йилларида мустабид тузум асосида мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида, шу жумладан, иқтисодий соҳада ҳам ўзининг маъмурий-буйруқбозлик сиёсатини ўтказа бошлаган ҳукмрон партиянинг сиёсий мавқеи янада ошган, ҳамда ҳақиқатда давлат устидан мутлақ ҳукмрон бўлган органга айланиб борган. Собиқ иттифоқнинг барча республикалари "социалистик" халқ хўжалигининг ягона тизимига қаттиқ боғлаб қўйилган бўлиб, унинг иродасини сўзсиз бажарар эдилар. Ўзбекистон ҳам, унинг имкониятлари ва миллий манфаатларини мутлақ ҳисобга олмаган ҳолда ишлаб чиқилган ижтимоий ва иқтисодий дастурлар исканжасига олинган эди.

Халқ хўжалиги қурилишининг урушдан кейинги ўзига хос хусусияти узоқ муддатли режалаштиришни беш йиллик режа билан бирга қўшиб олиб боришдан

иборат бўлган. Саноат ишлаб чиқаришини уч барабарга оширишни, озиқ-овқат ва хомашё ресурсларининг мўл-кўллигини таъминлашни режалаштирган мустабид давлат иқтисодий сиёсатининг яқин 15 йилга мўлжалланган асосий йўналиши назарда тутилган эди.

Совет ҳукумати раҳбариятининг фикрига кўра, Ўзбекистон саноат ишлаб чиқаришини қайта қуришда давлатнинг асосий пахта базаси сифатидаги анъанавий ўрни ҳақидаги қатъий қарор ҳисобга олиними керак эди. Бунда республика аҳолисининг миллий-тарихий хусусиятлари, ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлари умуман эътиборга олинмаган.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг тупроқшунослик институти маълумотларига кўра, Ўзбекистонда 2,5 млн. гектардан ортиқроқ суғоришга яроқли ерлар мавжуд бўлган. Буларга, асосан, Қашқадарё, Мирзачўл, Фарғона, Зарафшон, Чирчиқ, Ангрен ва бошқа ҳудудлардаги ўрмон ва текисликлар киритилган.

Бу маълумотларга асосланган ҳолда, юқори ташкилот вакиллари томонидан кўриқ ерларни ўзлаштириш ишларини амалга ошириш учун аҳолини кўчириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш вазифаси кўйилган[7].

Халқларни оммавий равишда мажбурий кўчириш урушдан кейинги йилларда ҳам давом этган. 1940-йилларнинг иккинчи ярмида ҳукумат аҳолини оммавий равишда мажбурий кўчиришда тузумдан норози бўлганларни жазолашдан ташқари, халқларни кўчириш йўли билан иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш мақсадини ҳам кўзлаган эди. Махсус кўчирилганларнинг меҳнатидан қишлоқ хўжалигида, фойдали қазилмаларни қайта ишлашда, заводлар, темир йўллар қурилишида ва бошқа соҳаларда фойдаланилган.

Урушдан кейинги йиллардаги кўчириш чора-тадбирлари СССР ҳукуматининг 1946 йил 2 февралда чиқарган "Ўзбекистон ССРда пахтачиликни ривожлантириш чора-тадбирлари ҳақида"ги қароридан кейин бошланди дейиш мумкин[8]. Унда Ўзбекистонда 1946-1953 йиллар даврида пахтачиликни тиклаш ва янада юксалтириш соҳасидаги режалар ва чора-тадбирлар белгилаб берилган эди. Марказнинг бу ҳужжати, Ўзбекистон халқлари манфаатларини асло ҳисобга олмаган ва мажбурий хусусиятга эга бўлган қарор эди. Юқоридан юборилган қарорлар одатда Ўзбекистонда муҳокама қилиб ўтирилмасди, балки амалдаги дастурий ҳужжат сифатида унинг бажарилишига доир тадбирлар ишланиб, "ҳаракатга йўлланма" берилар эди[9].

Айниқса, совет ҳукуматининг 1949 йил 19 мартдаги 1141-сонли "Ўзбекистон ССРда пахтачиликни ривожлантиришнинг келгуси чоралари ҳақида"ги қарори эълон қилингандан кейин кўчириш ишлари кучайтириб юборилган[10]. Асосан, аҳоли Андижон, Наманган, Фарғона, Самарқанд, Бухоро вилоятларининг кам ерли районларидан ҳамда Қашқадарё вилоятининг чорвачиликка асосланган районларидан янги ўзлаштириладиган ерларга кўчирилган.

Ўзбекистон ССРда 1950 йил якунлари бўйича кўчириш режасини амалга ошириш ва кўчирилган хўжаликларни жойлаштириш ҳақидаги йиллик ҳисоботнинг хулосасига кўра, Ўзбекистонда янги ерларни ўзлаштириш учун кўчириш ишлари 76 фоизга бажарилган бўлиб, режа бўйича 24500 оила ўрнига 18631 хўжалик кўчирилган.

Кўчирилганлар учун уй-жой қурилиши 26,6 фоизга бажарилган бўлиб, режа асосида 21000 уй-жой қурилиши керак бўлган бўлса, амалда эса шундан атиги 5578 та уй қурилган.

Кўчирилганлар учун уйлар қуриш режасининг бажарилмаганлиги, қурилиш

ишларининг яхши ташкиллаштирилмаганлиги билан изоҳланади. Уйлар қурилишида кунига 16,5 минг киши талаб қилинган бўлса, амалда эса ўрта ҳисобда 6,7 минг киши ишлаган. Қурилишда банд колхозчилар кўчириш билан боғлиқ бўлмаган бошқа ишларга жалб қилинган.

Бухоро, Хоразм вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон АССРда қурилиш бригадалари умуман ташкиллаштирилмаган. Кўчириб келтирилган аҳоли жойлаштирилган ерлардаги яшаш шароитининг оғирлиги натижасида 3467 оила, ёки кўчиб келган аҳолининг 19,2 фоизи қайтиб кетган [11].

СССР Министрлар кенгашининг 1949 йил 19 мартдаги 1130-сонли фармойишига мувофиқ, Ўзбекистон ССРда кўчириш чора-тадбирларини амалга ошириш учун 35 млн. сўм кредит ажратишга рухсат берилган. СССР Министрлар Советининг 1949 йил 8 майдаги 6967-сонли буйруғига кўра, Ўзбекистонда худди шу чора-тадбирлар учун қўшимча 75 млн. сўм кредит беришга рухсат этилган. Ҳаммаси бўлиб, совет ҳукумати томонидан Ўзбекистонда кўчириш ишларини амалга ошириш учун 110 млн. сўм миқдорда кредит олишга рухсат берилган.

1949 йил 23 июндаги Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорига биноан, республика колхозларида кўчириш чора-тадбирларини амалга ошириш учун 82 млн. сўм миқдорда кредит маблағи белгиланган. Кредит маблағи вилоятлар бўйича қуйидагича тақсимланган [12]:

Қорақалпоғистон АССРга	-	2,5 млн. сўм;
Андижон вилоятига	-	9,0 млн. сўм;
Наманган вилоятига	-	4,0 млн. сўм;
Самарқанд вилоятига	-	2,5 млн. сўм;
Тошкент вилоятига	-	54,0 млн. сўм;
Фарғона вилоятига	-	10,0 млн. сўм;
Жами	-	82,0 млн. сўм;

Қолган 28,0 млн. сўм республика совхозларида кўчириш тадбирларини амалга ошириш учун ажратилган.

Лекин, 1947-1949 йиллар мобайнида Ўзбекистон ҳудудида кўчириш чора-тадбирларини амалга ошириш учун ажратилган кредитнинг 2,82 млн. сўм миқдоридagi катта қисми бошқа мақсадларда ишлатиб юборилган.

Архив маълумотларининг гувоҳлик беришича, 1948-1949 йиллардаги кўчириш режаси амалда бажарилган бўлса-да, кўплаб хўжаликларнинг орқага қайтиб кетиши, натижанинг пасайишига олиб келган.

Таҳлил натижаларининг кўрсатишича, кўчирилган хўжаликларнинг ихтиёрий равишда кетиб қолишига яшаш шароитининг ёмонлиги, турар жойларнинг йўқлиги, ишлаб чиқариш ва хўжалик моллари билан таъминланмаганлик, жойлаштирилган колхозларидаги илгаридан қолган қарзларнинг кўчиб келганлар зиммасига юклатилиши кабилар сабаб бўлган [13].

Буларнинг олдини олиш учун ҳукумат томонидан кўчирилганларнинг ихтиёрий кетиб қолишини таъқиқловчи қарор қабул қилинган.

Амалиёт натижалари айрим хўжаликларни бир жойдан иккинчи жойга кўчиришга қараганда бутун бошли колхозни барча таркиби билан бирга кўчириш юқори самара беришини кўрсатди. Бунга мисол қилиб, 1948-1949 йилларда Паркент районида Бўка районида иккита: Фрунзе ва Ленинизм номидаги колхозларнинг кўчирилишини, шунингдек Қашқадарё вилоятидаги "Қизил чорва" колхозининг Сирдарё районидаги "Киров" номли колхозга кўчирилишини, Самарқанд вилоятидаги Стаханов номли колхознинг Мирзачўл районидаги "Зарбдор"

колхозига кўчирилишини олиш мумкин.

1951 йил маълумотларига кўра, Қашқадарё вилоятининг 9 та ва Самарқанд вилоятининг 7 та лалмикор ерларидан Тошкент вилоятининг пахтачилик районларига кўчириш ишлари амалга оширилган.

1951 йил режаларига асосан, Қашқадарё вилоятининг 5 та районида 1600 оила ҳамда Самарқанд вилоятининг 4 та районида 2400 оилани кўчириш мўлжалланган. Шу жумладан, Самарқанд вилоятидан 21 та колхоз, Қашқадарё вилоятидан эса 15 та колхоз кўчиришга ўз розилигини билдирган [14].

СССР Министрлар Совети қарорига биноан, Ўзбекистонда 1954 йил - 6000 оилани, 1955 йил - 7000 оилани, 1956 йилга - 8000, 1957-1958 йилларга эса - 19 минг оилани, жами 40000 оилани кўчириш чора-тадбирлари амалга оширилиши лозим бўлган.

Шу қаторда республика аҳолиси миллий таркибида татар, яҳудий, белорус, осетин, бошқирд, чуваш, озарбайжон, уйғур ва бошқа миллат вакиллариининг салмоғи ошиб кетган. Масалан, 1939 йилга нисбатан 1959 йилга келиб Ўзбекистонда яшовчи озарбайжонлар миқдори 11 баробардан кўпроқ, осетинлар - 5 мартага, бошқирд, белорус, корейс, татар, чуваш, уйғур, яҳудийлар сони 2 баробаргача кўпайган.

1959 йилги Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати маълумотларига кўра Ўзбекистонда 444,8 минг татар, 138,5 минг корейс, 94,3 минг яҳудий, 87,9 минг украин, 40,5 минг озарбайжонлар, 27,4 минг арман ва ҳ.к. истиқомат қилган [15]. Статистик маълумотларга кўра, 1939 йилга нисбатан 1959 йилда республика аҳолиси сонининг умумий миқдорида ўзбеклар салмоғи 2,8 фоизга камайган ва 62,2 фоизни ташкил этган [16]. Шу 20 йил ичида ўзбеклар сони атиги 1 млн. кишига кўпайган.

Бу давр мобайнида Ўзбекистон аҳолиси миллий таркибида татар, корейс, яҳудий, арман, озарбайжон ва бошқа миллатларнинг салмоғи кўпайган. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, бу даврда кўпмиллатлиликнинг таркиб топиши шаҳар аҳолиси билан бир қаторда қишлоқ аҳолисига ҳам хосдир. Лекин, диққат билан қараганда, бу ерда бир қанча фарқларни кузатиш мумкин.

II жаҳон урушигача бўлган даврда шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг миллий таркиби кўчиб келганлар ҳисобига тахминан бир хилликда шаклланган бўлса, урушдан кейинги давр мобайнида европа миллатига мансуб аҳоли асосан шаҳарларга ўрнаша бошлаганлигини 1926, 1939 ва 1959 йилги аҳоли рўйхатларида кўришимиз мумкин.

Ўзбекистондаги шаҳар аҳолиси орасида 1939-1959 йилларда ўзбеклар сони 0,6 млн.дан 1 млн. кишига, қозоқлар-0,3 дан 0,7 млн.га, тожиклар-0,3 дан 0,7 млн. кишига ошган. Бундай кўрсаткич бошқа маҳаллий аҳоли вакиллари учун ҳам хос бўлган.

1939-1959 йилларда шаҳарларда европа миллати вакиллариининг ҳам сони ошган. Масалан, руслар сони 0,5 млн.дан 0,9 млн.га, татарлар 0,1 дан 0,3 млн. кишига кўпайган. Шу қаторда бундай кўрсаткич яҳудий, украин, белорус ва бошқа миллат вакиллари сони динамикасига ҳам хос бўлган.

Навбатдаги босқичда Ўзбекистон аҳолиси миллий таркиби шаклланишидаги ўзига хосликни асосий миллат бўлган ўзбеклар сони ва салмоғининг доимий равишда ўсиб боришида кўриш мумкин. Фақат 1959-1970 йиллар оралиғида уларнинг сони тахминан 2,7 млн. кишига кўпайган ва республика аҳолисининг умумий таркибидаги салмоғи 65,5 фоизни ташкил этган.

Ўрганилаётган даврда республикада кескин ва зиддиятли демографик вазият

вужудга келган. Аҳолининг табиий ўсиши тез суръатларда давом этган. Ўзбекистон бу кўрсаткич бўйича Тожикистондан кейин СССРда иккинчи ўринда турган. Собиқ иттифоқ бўйича аҳолининг табиий ўсиши ҳар минг киши ҳисобига 10 кишига тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич Ўзбекистонда 3 баробардан юқори бўлган.

Ўзбекистон аҳолисининг мамлакат аҳолиси ичидаги салмоғи ҳам сурункали равишда ўсиб борган. Агар 1970 йил республикага мамлакат аҳолисининг 4,9 фоизи тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич 1979 йил 6,1 фоизга тенг бўлган. Аҳолининг асосий қисми ўзбеклардан иборат бўлиб, аҳолининг умумий сонидан уларнинг салмоғи муттасил ортиб борган. Республика аҳолиси таркибида ўзбеклар улуши 65,4 фоиздан 71,4 фоизга етган. Руслар аҳоли сони бўйича 2-ўринда турарди. Сўнгги ўн йил ичида тожиклар сони муттасил кўпайиб борган. Натижада, уларнинг сони қозоқлар сонидан ўзиб кетган ва Ўзбекистон аҳолиси таркибида 3-ўринга чиқиб олган.

Аҳоли сонининг у ёки бу минтақада ўсишида аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга кўчишининг маълум даражада роли бор. Сўнгги ўн йилликлар, жумладан, 1970-йиллар ва 1980-йилларнинг ўрталаригача бўлган даврда республикада ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши, бир қанча янги шаҳарларнинг вужудга келганлиги Ўзбекистонга бошқа минтақалардан аҳолининг кўплаб кўчиб келишига сабаб бўлган. Айниқса, Россия, Украина ва Қозоғистондан кўп аҳолининг кўчиб келиши кузатилган.

Шундай қилиб, Ўзбекистон аҳолисининг кўпмиллатли таркиби 50-йиллар охирига келиб тўлиқ шаклланиб бўлган эди. Кейинги йилларда мамлакатдаги аҳоли миллий таркиби билан боғлиқ ўзгаришларга демографик ва иқтисодий жараёнлар сезиларли таъсир этмади.

1959 йилдаги аҳолини рўйхатдан ўтказиш натижаларига кўра, республикада 113 та, 1979 йил натижаларига кўра - 123 та ва ниҳоят 1989 йил ўтказилган аҳоли рўйхати натижаларига кўра - 130 дан ортиқ турли миллат ва элат вакиллари истиқомат қилишган [17].

Халқларнинг депортация қилиниши, мажбуран ўз юртидан "янги" жойга кўчирилиши тоталитар совет давлати тарихининг фожиали саҳифаларидан бири ҳисобланади. Депортация сиёсати шафқатсиз ва ноқонуний равишда ўтказилганлигига тарих гувоҳдир. Халқларнинг доимий истиқомат жойларидан зўрлик билан кўчирилиши натижасида улар муҳтожлик ва қийинчиликларга гирифтор этилган. Депортация жараёнида мамлакатнинг барча ҳудудларидаги халқлар оммавий қатағонга гирифтор этилган. Ўрганилаётган даврда халқларга нисбатан олиб борилган қатағонлик сиёсати ғоявий ва сиёсий мақсадларни кўзлаб амалга оширилгани ҳолда, миллий асосларга таянилмаган.

XX аср 80-йилларида совет иттифоқида юзага келган мураккаб ва зиддиятли миллатлараро муносабатлар ана шу сиёсатнинг натижаси ҳамда мантиқий якуни бўлди дейиш мумкин. Бу даврнинг муҳим хусусияти шундан иборат бўлганки, халқ хўжалигининг турли соҳаларида авж олган қўшиб ёзишлар, порахўрликлар туфайли совет иқтисоди инқироз ҳолатига келиб қолган эди.

80-йилларнинг ўрталаридан бошланган "қайта қуриш" сиёсати натижасида халқлар ўз манфаатлари учун кураш йўлини тутиб, кучайиб бораётган миллий манфаатларни ҳимоя қилиш сари отланган. Бироқ, бу сиёсатнинг ижтимоий онга чуқур таъсир этганлиги натижасида эътиқодий, маданий келишмовчиликлар портлаш даражасига келиб қолган. Бунинг устига КПСС МКнинг 1985 йил апрель пленумидан бошланган, аниқ дастурга эга бўлмаган халқ хўжалигини "қайта

қуриш" туфайли мамлакатда миллий муаммолар янада кўпроқ юзага қалқиб чиққан ва айна пайтда совет давлатининг емирилиши аниқлигини ҳам кўрсатиб қўйган эди. Чунки, 80-йилларнинг 2-ярмидан бошлаб миллий мустақиллик йўлидаги курашлар олдини олиб бўлмайдиган ижтимоий-сиёсий кучга айланиб, миллий бирликни мустаҳкамлаш учун бўлаётган ҳаракатларга бошчилик қилаётган етакчилар атрофида бирлашиш жараёни тезлашиб кетган [18]. Энг муҳими шундаки, 80-йиллардан бошлаб миллий мустақилликка эришиш йўлидаги бу ҳаракатлар халқларнинг мамлакатда ўзининг мустаҳкам ўрнини сақлаб қолишга имкон берадиган кучли омилга айланиб бўлган эди.

Ўзбекистондаги ижтимоий, иқтисодий ва миллатлараро муносабатларда кескинликнинг авж олишига ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришдаги бирёқлама ёндашувлар, халқ хўжалигини, унинг етакчи тармоқларини ривожлантиришдаги номутаносибликлар сабаб бўлган. Республика ишчи ва хизматчиларининг ижтимоий ривожланишида "қайта қуриш"нинг сўнгги йилларида мураккаб ва зиддиятли жараёнлар содир бўлган. Ишчи кучининг анча ортиқча бўлиб қолишига, улар миқдор жиҳатидан ўсишида сифат ўзгаришларининг юз бермаганлиги, ҳамда бу кўрсаткич аҳолининг табиий ўсишидан орқада қолганлиги сабаб бўлган. Бундай вазият, айниқса, Фарғона водийси вилоятларида жиддийроқ тус ола бошлаган. Бундай зиддиятли жараёнларни ҳатто, янги ишлаб чиқариш қувватларининг ишга туширилиши ҳам юмшата олмаган. Кадрлар тайёрлашда уларнинг иш ҳақи даражаси, меҳнат шароитлари, турли мутахассисликлардаги ходимларнинг нуфузи ва ҳоказолар каби талаблар қондирилмаган. 80-йилларнинг охирига келиб қарийб 20 минг олий маълумотли мутахассис ва 140 мингдан ортиқ ўрта махсус маълумотли мутахассислар ақлий меҳнат билан эмас, балки жисмоний меҳнат билан банд бўлганлар [19].

Маҳаллий миллат кишиларидан ишчи кадрларни шакллантириш аввалгидек кескин муаммо бўлиб, саноатда банд бўлганлар орасида уларнинг салмоғи ниҳоятда кам бўлган. Жумладан, 80-йилларнинг охирида "Эталон" ишлаб чиқариш бошқармасида ўзбек ишчиларининг салмоғи қарийб 22 фоизни, Тошкент трактор заводида 17 фоизни ташкил этган.

1985 йилга нисбатан саноатда ўрта ҳисобда меҳнат унумдорлигининг режалаштирилган 18 фоиз ўсиши ўрнига фақат 12 фоиз, қурилишда 7 фоиз бўлган бўлса, енгил саноат тармоқларида эса ҳатто 2 фоиз камайиб кетган.

Саноат ишлаб чиқаришининг юқори даражада ривожланишига мустабид тузум даврида қарор топган ижтимоий-иқтисодий ишлаб чиқариш муносабатлари объектив равишда тўсиқ бўлган.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳали мустабид тузум ҳукмронлик қилиб турган вақтда ҳам, яъни 1989 йилда XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида миллий масалага биринчи расмий танқидий ёндашув билдирилган эди. Чунки, 80-йилларнинг ўрталаридан бошланган "қайта қуриш" сиёсати туфайли "янгича фикрлаш", демократия ҳамда ошкоралик жараёнининг ўсиб бориши, ҳукмрон мафкура тазйиқининг бўшашуви натижасида миллий ўзликни англашнинг ўсишига, тарихий ҳақиқатнинг тикланишига ижтимоий зарурат туғилган эди.

Собиқ иттифоқ раҳбарияти "қайта қуриш"ни эълон қилган вақтда "иттифоқ" федерациясини демократик янгилашнинг ҳуқуқий концепцияси ишлаб чиқилмаган эди. Партиянинг ўша вақтдаги етакчиси М.С.Горбачев жойлардаги маъмурларга қарата "Кўпроқ ҳуқуққа эга бўлинг!" деб ўртага ташлаган шиор икки тигли қурол эди [20]. Марказдемократик миллий кучларнинг ривожланиб боришига, шу

жумладан, коммунистлар ўртасида ҳам авж олишига қараб, республикаларнинг ўзларига кўпроқ мустақиллик бериш ҳақидаги талабларига ён босади. Лекин, миллий республикаларга ён босиш айнан миллатлараро низоларнинг кучайган пайтига тўғри келган бўлиб, марказ бу низоларни ҳал қилишдан дастлаб ўзини атайлаб "четга" олди. Сўнгра бу низоларни қурол билан бостирди (Фарғона, Ўш-Ўзган, Тоғли Қорабоғ, Сумгаит ва ҳқз.) ҳамда, шу йўл билан республикаларнинг ҳуқуқларини кучайтириш ҳақидаги ғояни қадрсизлантирди. Бу марказнинг эскилик тарафдори эканлигини яна бир бор тасдиқлади.

Иттифоқ раҳбариятининг барча куч ғайратига қарамасдан Литва, Латвия, Эстония ҳамда Грузия СССР таркибидан чиқиб кетишади. 1990 йил охирларидан бошлаб хўжалик алоқаларининг узилиши кучаяди, давлат буюртмаларини ва республикалар ўртасидаги иқтисодий битимларни мувофиқлаштириб туришнинг иложи бўлмай қолади. Мамлакат секин-аста иқтисодий тартибсизлик томон кета бошлайди.

Мустабид тузум даврида йиллар давомида тўпланиб қолган салбий иллатларнинг юзага чиқишига республикада тобора кучайиб бораётган демократик жараёнлар сабаб бўлди. Бутун мамлакатда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам катта шов-шувга сабаб бўлган ҳамда республикада сиёсий вазиятнинг кескинлашувига олиб келган 1989 йил май-июнь ойларида Фарғона, Тошкент вилоятларида ва Андижон шаҳрида миллатлараро можаролар рўй берди. Бу тўқнашув оддий безориликдан иборатдек кўринса-да, аслида унинг замирида мустабид совет тузumi йилларида тўпланиб, пишиб етилган, эртами-кечми "портлаши" кутилган миллий, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий муаммолар ётган эди.

СССРда миллий масала "ривожланган социализм" даврига келиб "бутунлай ҳал қилинди" деб эълон қилинган эди. Бироқ, 1989 йил 24 майда Қувасой шаҳрида ёшлар ўртасида бўлган безориликнинг миллатлараро тўқнашувни келтириб чиқариши ва бу можаронинг бутун Фарғона водийсида оммавий тус олиши, буларнинг барчаси қуруқ гап эканлигини ҳамда сафсатадан бошқа нарса эмаслигини яққол намоён қилди. Шу вақтдаги республиканинг сиёсий раҳбарияти юзага келган бу мураккаб вазиятни ўз вақтида тўғри баҳолай олмаганлиги натижасида, оддий можаро Фарғона, Марғилон, Қўқон, Андижон, Тошлоқ, Наманган, Тошкентда аҳолининг, айниқса, ёшларнинг оммавий чиқишларига, миллатлараро тўқнашувларга сабаб бўлди [21]. Умуман 3-12 июнь кунлари юз берган тўқнашувлар ва уларнинг ҳарбийлар томонидан ўққа тутилиши оқибатида 103 киши ҳалок бўлган, 1009 киши жароҳатланган ва 650 хонадонга ўт қўйилиб, вайрон қилинган.

Бу можароларнинг юзага келиши месхети турклари учун мустабид тузум айби билан уруш даврида мажбуран ташлаб чиққан ватанларига қайтиш имконини берган бўлса, маҳаллий аҳоли бунга табиий равишда қўшилибкетган. Чунки маҳаллий ёшлар орасида ишсизлик кўпайиб, аҳолининг турмуш даражаси пасайиб борган, жойларда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларига эътибор берилмаган, уй-жой билан таъминлаш масалалари яхши йўлга қўйилмаган, пахта яккаҳоқимлиги, экология муаммолари ҳал қилинмаган, қонунбузарлик, порахўрлик, кўзбўямачилик авж олган. Бу муаммолар тўпланиб, охир-оқибатда миллатлараро тўқнашувларни юзага келтирган, натижада бегуноҳ қурбонлар берилган.

Ушбу фожиали воқеалардан сўнг тез орада республика КП МК, Олий совет раёсати ва ҳукуматнинг қўшма мажлисларида Ўзбекистон иқтисодиёти ва ижтимоий

соҳасининг аҳволини холисона, танқидий нуқтаи назардан баҳолашга уриниб кўрилган.

Ўзбекистонда ҳукумат тепасига янги раҳбарият келгач, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани давлат йўли билан бошқариш органлари мустақамланди, солиқ назорати ва жойларда ҳокимлар лавозимлари жорий қилинди.

Ўзбекистоннинг янги раҳбарияти Фарғона воқеаларидан сўнг, миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. 1990 йилнинг охирида Ўзбекистон Президенти Кенгашида миллий-маданий марказлар ва уларнинг ишини такомиллаштириш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Вазирликлар, идоралар ва маҳаллий кенгашларга миллий-маданий марказлар томонидан қўйилаётган муаммоларни ҳал этишда ёрдам бериш ва ҳар бир халқнинг маданиятини, ўзига хослигини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришнинг муҳим омили сифатида қараш тавсия этилди.

Ўзбекистон ССР Президенти девонида Миллатлараро муносабатлар бўлими ташкил этилди. Бундай бўлимлар Қорақалпоғистон Автоном Республикаси Министрлар Кенгашида, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ижроия қўмиталарида ҳам тузилди.

Ўзбекистон биринчи Президенти И.А.Каримов бутун мамлакатдаги чуқурлашиб кетган миллий муносабатларга баҳо бериб, шундай деган эди: "...бу - теран миллий қадриятларни, одамларнинг ўзига хос хусусиятлари ва анъаналарини сақлаб қолиш йўлидаги табиий интилиш, ижтимоий, маънавий, тарихий тараққиётнинг субъекти бўлган миллатни сақлаб қолишга қаратилган объектив, бутунлай асосли эҳтиёж эди" [22].

Шу жиҳатдан Марказий Осиё минтақасида, хусусан, Ўзбекистонда миллий мустақиллик йўлидаги ҳаракатлар ўзига хос йўлдан борди.

Шундай қилиб, СССРдаги 80-йилларнинг иккинчи ярми - 90 йилларнинг бошларида юз берган "қайта қуриш" жараёни аввалбошданоқ хомхаёллардан иборат эканлиги аниқ кўринди ва шунга кўра у амалга ошмади. Бу ҳолат нафақат собиқ иттифоқ ҳудудига, шу қатори, шарқий Европа мамлакатларига ҳам тааллуқли эди.

"Қайта қуриш" берган асосий тарихий сабоқ шундан иборат бўлдики, социализм жамиятнинг асосини ташкил этадиган бирдан-бир ва барча жабҳаларни қамраб олувчи тузум бўлишга қодир эмаслигини кўрсатди. Кўпгина мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатдики, ҳозирги замон жамияти - бу кўпроқ чекловчи ва тенглаштирувчи тамойилларнинг, капитализация ва социализациянинг турлича уйғунлашиб кетиши, классик марксча назарияга сиғишмайдиган ижтимоий принциплар элементларининг фақат чатишиб кетишидан иборат бўлиши мумкин. Бунда эса бирон-бир мафкура ёки сиёсий кучнинг яккаҳокимлигига ўрин бўлмайди.

Иккинчи сабоқ - эркинлик ва демократия алоҳида қисмларга бўлиниши мумкин эмас. Эркинлик ва демократия шахснинг ва сиёсий гуруҳларнинг ижтимоий, миллатлар ва миллий давлатларнинг табиий эҳтиёжларини қондириш учун фақат тўлиқ бўлиши лозим.

Лекин, шундай бўлса-да, "қайта қуриш" собиқ иттифоқ халқлари миллий ўзлигини англаш жараёнини тезлаштирди, уларнинг сиёсий фаоллигини оширди. Объектив жиҳатдан олганда, "қайта қуриш" мустақилликка эришиш учун тайёргарлик тадбирлари эди [23]. Кўпмиллатли Ўзбекистон жамияти мустақиллик гоёсини қабул қилди, бу тарихан буюк ва узоқ кутилган воқеанинг муқаррарлигини

ҳис этди. Ўзбекистонни марказ билан ўн йиллар мобайнида боғлаб турган занжир узиб ташланди. Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўлига кириш жараёнини тўхтатиб қолиш ёки орқага буриб юбориш мумкин эмасди. СССР инқирозга юз тутган эди.

4. Хулосалар:

Тадқиқ этилган даврда Ўзбекистон аҳолиси миллий таркибидаги ўзгаришларни таҳлил қилиш натижасида қуйидагича хулосалар чиқариш мумкин:

- Бу йилларда СССР иқтисодий сиёсатини тўла рўёбга чиқариш учун марказдан ва бошқа республикалардан Ўзбекистонга турли миллат вакиллари кўчириш давом этган.

- Кўчиб келган аҳолининг асосий кўпчилиги шаҳарларда жойлашган.

- Рус тилининг нуфузи ортиб, бошқа миллий тилларга эътибор пасайган.

- Кўчириб келтирилган миллатларга имтиёзлар, кредитлар ажратилган.

- Ўзбекистон ичида қўриқ ерларни ўзлаштириш мақсадида жуда кенг равишда ички оммавий кўчиришлар амалга оширилган.

- Уй-жой билан таъминлаш масаласи асосий вазифа бўлиб, бу бажарилмаган жойларда кўчиб келганларнинг қайтиб кўчиб кетиши содир бўлган ва бу чекланган.

- Ўзбекистонда миллатлар сони ортиб борган.

- Қайта қуриш сиёсати аниқ дастури бўлмаганлиги сабабли жойларда миллий можаролар келиб чиққан.

Иқтибослар/Сноски/References:

[1] Мулляджанов И.Р. Народонаселение Узбекской ССР. -Т., 1967; Агзамходжаев А. Образование и развитие Узбекской ССР.-Т., 1971; Турсунов Х. Национальная политика Коммунистической партии. -Т.: Узбекистан, 1971; Салимов Х.С. Население Средней Азии. -Т.: Узбекистан, 1975; Цамерян И.П. Нации и национальные отношения в развитом социалистическом обществе. -М.: Наука, 1979; Куличенко М.И. Расцвет и сближение наций в СССР. -М.: Мысль, 1981; Баграмов Э.А. Национальный вопрос в борьбе идей. -М.: Политиздат, 1982; Козлов В.И. Национальности СССР. -М.: Финансы и статистика, 1982; Ханазаров К.Х. Решение национально-языковой проблемы в СССР. -М.: Политиздат, 1982; Мулляджанов И.Р. Демографическое развитие Узбекской ССР. -Т., 1983; Караханов М.К. Некапиталистический путь развития и проблемы народонаселения. -Т., 1983; Бромлей Ю.В. Национальные процессы в СССР. -М.: Наука, 1988; Мельников А.Н. Размышления о нациях: Опыт перестройки понимания национального развития. -Барнаул, 1989; Мулляджанов И.Р. Население Узбекской ССР. -Т., 1989; Гаркавец А.Н. Принципы национальной политики и языкового строительства. -Алма-Ата, 1990; Хидоятлов Г. Национальный вопрос в СССР. -Т.: Узбекистан, 1991; Гитлин С.И., Расулов К.Р. Отстоять интернациональное единство народов. -Т.: Узбекистан, 1991.

[2] Муллажонов И.Р. Народонаселение Узбекской ССР (социально-экономический очерк). -Т., 1967. -С.44.

[3] Аҳмедов Э., Файзиёв Н. Дунё аҳолиси ва инсониятнинг келажаги. -Т., 1969. -Б.39; Асонов Г.Р. Аҳоли ўсиши ва ҳаёт ресурслари. -Т., 1970. -Б.54; Муллажонов И.Р., Тошбеков Э. Ўзбекистон аҳолиси. Справочник. -Т., 1967. -Б.72; Муллажонов И.Р. и др. Население Узбекской ССР. -Т., 1973. -С.138; Отамирзаев О., Катанов И.

Фаргона водийси шаҳарлари (Демография тўғрисида баъзи фикрлар). -Т., 1970. -Б.32; Солиев А. Ўрта Осиё шаҳарларининг ривожланиши. -Т., 1978. -Б.90.

[4] Ким П.Г. Корейцы Республики Узбекистан. -Т., 1993; Самадов М. Навечно в памяти (1941-1945). -Т.: Узбекистан, 1993; Зиёев Ҳ. Совет даврида қандай тузум ҳукм сурган? Тарих ва ҳақиқат // Мулоқот, 1993. № 9-10. -Б.33-36; Поздняков Э.А. Нация. Национализм. Национальные интересы. -М., 1994; Бугай Н.Ф. Трагические события не должны повториться (К вопросу о положении корейцев в СССР в 30-е г.) / Актуальные проблемы российского востоковедения. -М., 1994; Гитлин С. Национальные отношения в Узбекистане: иллюзии и реальность. - Тель-Авив, 1998; Бобожонова Д.Б. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар (70-80-йиллар мисолида). -Т.: Шарқ, 1999; Максакова Л.П. Миграция населения Республики Узбекистан. -Т., 2000.

[5] Атамирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект. -Т., 1998; Атамирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р., Салиев А. Историко-демографические очерки урбанизации Узбекистана. -Т., 2002.

[6] Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида; 3-китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи. -Т.: Шарқ, 2000; Бобобеков Х., Каримов Ш. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. Қисқача маълумотнома. -Т.: Шарқ, 2000; Зиёев Ҳ. Тарих - ўтмиш ва келажак кўзгуси. -Т., 2000; Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шохидлиги ва сабоқлари. -Т.: Шарқ, 2000; Усмонов Қ., Содиқов М. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). -Т.: Шарқ, 2002; История Узбекистана. -Т.: Университет, 2002; Ўзбекистон тарихи. -Т.: Университет, 2003; Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар (3-китоб). -Андижон, 2004.

[7] РГАЭ 5675-ф., 1-рўйхат, 415-йиғма жилд, 5-варақ.

[8] РГАЭ 5675-ф., 1-рўйхат, 415-йиғма жилд, 10-варақ.

[9] Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. К.2. Ўзбекистоннинг янги тарихи. -Т.: Шарқ, 2000. -Б.506.

[10] РГАЭ 5675-ф., 1-рўйхат, 415-йиғма жилд, 10-варақ.

[11] РГАЭ 5675-ф., 1-рўйхат, 459-йиғма жилд, 116-варақ.

[12] РГАЭ 5675-ф., 1-рўйхат, 415-йиғма жилд, 38-варақ.

[13] РГАЭ 5675-ф., 1-рўйхат, 482-йиғма жилд, 131-варақ.

[14] РГАЭ 5675-фонд, 1-рўйхат, 535-йиғма жилд, 2-3-варақлар.

[15] Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект. -Т., 1998. -С.60.

[16] Итоги Всесоюзной переписи населения 1959 года. Узбекская ССР. -М., 1962. -С.138-143.

[17] Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. -Т.: Ўзбекистон, 2004. -Б.68.

[18] Юнусова Х. Совет давлати миллий сиёсатининг баъзи жиҳатлари // Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар: тарих ва ҳозирги замон (илмий-амалий анжуман материаллари). -Т., 2003. -Б.192; Общественные науки и современность, 1991. №8. -С.36.

[19] Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. К.2. Ўзбекистоннинг янги тарихи. -Т.: Шарқ, 2000. -Б.637; ЎЗР Давлат статистика қўмитаси жорий архиви. 1990 йил материаллари. -Б.20-25.

[20] Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. К.2. Ўзбекистоннинг янги

тарихи. -Т.: Шарқ, 2000. -Б.647.

[21] Бобобеков Ҳ. Фарғона фожиалари кундалиги // Фан ва турмуш, 1990. №4. -Б.26-29.

[22] Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998. -Б.473.

[23] Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. К.2. Ўзбекистоннинг янги тарихи. -Т.: Шарқ, 2000. -Б.676.

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

МАХСУС СОН

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000